# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 121589 на приобретение Шиша ойналарини алмаштириш

Способ проведения электронный

Дата 18.07.2022

Время рассмотрения 18.07.2022 23:19

Конкурсная комиссия Нарпай туман 2-сон касб-ҳунар мактаби (Нарпай кишлок хўжалик касб-хунар коллежи), (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MUMINOV UCHKUN ABDUNAZAROVICH | Рахбар | 2-сон касб хунар мактаби комиссияси |
| **Секретарь комиссии** | RAJABOV BOBOMUROD XASANOVICH | Касбий таълим бўйича директор ўринбосари | 2-сон касб хунар мактаби комиссияси |
| **Член комиссии** | SADINOV XURSHID TOSHNIYOZOVICH | Бш уста | 2-сон касб хунар мактаби комиссияси |
| **Член комиссии** | SADINOV SIROJ IKROMOVICH | Хўжалик мудири | 2-сон касб хунар мактаби комиссияси |
| **Член комиссии** | MAXMUDOV BEKTOSH MURTAZAYEVICH | Бош хисобчи | 2-сон касб хунар мактаби комиссияси |
| **Член комиссии** | JIYANOV RABBIM ABDULLAYEVICH | Молия иқтисодиёт бўйича директор ўринбосари | 2-сон касб хунар мактаби комиссияси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.07.2022 года № лота 121589.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 35

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по замене стеклопакетов** |
|---|---|
| Подробное описание | Шиша алмаштириш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 20 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 20 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Молиявий хужжатлар ва солиқ қарздорлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO E`ZOZA SAVDO CENTRE** | 20 | Баланс+солиқ | 20 | Экспертная | | |
| **MCHJ NEW TRADE SERVIS GROUP** | 20 | Баланс+солиқ | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Корхона хужжатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO E`ZOZA SAVDO CENTRE** | 20 | Корхона хужжатлари | 20 | Экспертная | | |
| **MCHJ NEW TRADE SERVIS GROUP** | 20 | Корхона хужжатлари | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Муқаддам ўхшаш ишлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO E`ZOZA SAVDO CENTRE** | 20 | Муқаддам ишлар | 20 | Экспертная | | |
| **MCHJ NEW TRADE SERVIS GROUP** | 20 | Муқаддам ишлар | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 2-сон картотека мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO E`ZOZA SAVDO CENTRE** | 20 | Картотека мавжуд эмас | 20 | Экспертная | | |
| **MCHJ NEW TRADE SERVIS GROUP** | 20 | Картотека мавжуд эмас | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО E`ZOZA SAVDO CENTRE** | 20 000 000.00 | 19 950 000.00 UZS | 19 950 000.00 | 00.00 | 19 950 000.00 | 17.07.2022 12:22:40 | 20.00 |
| **MCHJ NEW TRADE SERVIS GROUP** | 20 000 000.00 | 19 990 000.00 UZS | 19 990 000.00 | 00.00 | 19 990 000.00 | 17.07.2022 14:00:02 | 19.96 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО E`ZOZA SAVDO CENTRE** | 80 | 20 | 100 |
| **MCHJ NEW TRADE SERVIS GROUP** | 60 | 19.96 | 79.96 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 121589 от 18.07.2022 года на приобретение Шиша ойналарини алмаштириш определила победителем:

ООО E`ZOZA SAVDO CENTRE
306103641

и резервный исполнитель: MCHJ NEW TRADE SERVIS GROUP (308809243)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | SADINOV SIROJ IKROMOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | MUMINOV UCHKUN ABDUNAZAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXMUDOV BEKTOSH MURTAZAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SADINOV XURSHID TOSHNIYOZOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | JIYANOV RABBIM ABDULLAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**ШАРТНОМА**

(Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) тўғрисида)

Нарпай туман 3 21.07.2022

Низом асосида фаолият кўрсатувчи, Нарпай туман 2-сон касб-хунар мактаби директори У.Муминоворқали бир томондан (кейинги ўринларда «Хўжалик» деб юритилади) бир томондан ва асосида фаолият кўрсатувчи, "E'ZOZA SAVDO CENTRE" МЧЖ раҳабари Ш.Азимоворқали бир томондан (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритилади

**I. Шартнома предмети**

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка шиша ойаларини алмашитирш (кейинги ўринларда «Хизматлар» деб юритилади) етказиб бериш, «Хўжалик» эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Хизматлари»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. «Хўжалик»нинг ҳуқуқлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Хизматлари» «Хўжалик»нинг ҳисобидан транспортда ташилганда «Етказиб берувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ва ассортиментдаги «Хизматлар» етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлари» етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

— зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» шунга ўхшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

— камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Хўжалик» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

— баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш.

Scanned by TapScanner

2.2. «Хўжалик»нинг мажбуриятлари:

ўз буюртмаңомаси бўйича етказиб берилган «Хизматлари»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

«Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида_кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Етказиб берувчи»нинг ҳуқуқлари:

Етказиб берилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини хўжаликдан талаб қилиш;

берилган буюртмаңомага мувофиқ етказиб берилган «Хизматлари»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Хўжалик»дан талаб қилиш.

2.4. «Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:

«Хўжалик»ка «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмаңомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

агар «Хизматлар»ни етказиб бериш жараёнида «Етказиб берувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Хўжалик»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин тузатиб бериш.

**III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 19950000 сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни «Етказиб берувчи» кўтаради.

Маҳсулот «Хўжалик»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда «Етказиб берувчи» транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

3.3. «Хўжалик» етказиб бериладиган «Хизматлар» суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган «Хизматлар» учун қабул

Scanned by TapScanner

қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 5 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.4. Етказиб берилган «Хизматлари» учунпул кўчириш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади

### IV. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Хўжалик»нинг розилиги билан «Хизматлар» муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Хўжалик» томонидан қабул қилинган «Хизматлар» учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган «Хизматлар» ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. «Хўжалик» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда «Хизматлар» етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган «Хизматлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган «Хизматлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Хизматлар» етказиб бериш «Хўжалик»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган «Хизматлар» бевосита «Хўжалик»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган «Хизматлари» миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Мазкур шартномада назарда тутилган «Хизматлар» етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

Scanned by TapScanner

5.2. Агар етказиб берилган «Хизматлар»нинг сифати, ассортименти, навлари, техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Хизматлар» қийматининг 50 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. «Хизматлар»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Хизматлар» қийматининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар»ни етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.4. Етказиб берилган «Хизматлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Хўжалик» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 0.04 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. «Хўжалик» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Хўжалик» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Етказиб берувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

«Етказиб берувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Хўжалик» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Етказиб берувчи» томонидан қопланади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита 30 судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. Шартноманинг амал қилиши

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

Scanned by TapScanner

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

**VIII. Якуний қоидалар**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:**

**Хўжалик:**
Нарпай туман 2-сон касб-хунар мактаби
Нарпай тумани, Сарбозор МФЙ, Мирбозор қўрғони
100010860182187092901079002
200752720

директори

**Етказиб берувчи:**
"E'ZOZA SAVDO CENTRE" МЧЖ
Нарпай тумани, Саловат МФЙ
202080009010215940001
306103641
00267
.
раҳабари

Scanned by TapScanner

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Нарпай туман 2-сон касб хунар мактаби директори**

_____________ **У.Муминов**

Нарпай туман 2-сон касб хунар мактаби шиша ойналарини алмаштириш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Нарпай туман «21» июл 2022 й.

Раислик қилувчи У.Муминов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| Б.Ражабов | Котиб, директор ўринбосари |
| Р.Жиянов | Комиссия аъзоси, директор ўринбосари |
| Х.Садинов | Комиссия аъзоси, бош уста |
| С.Садинов | Комиссия аъзоси, хўжалик мудири |
| Б.Махмудов | Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи |

**КУН ТАРТИБИ:**

Нарпай туман 2-сон касб хунар мактаби шиша ойналарини алмаштириш бўйича.

*(У.Муминов, Б.Ражабов, Х.Садинов, С.Садинов, Р.Жиянов)*

Нарпай туман 2-сон касб хунар мактаби томонидан 2022 йил 12 июлда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Нарпай туман 2-сон касб хунар мактаби шиша ойналарини алмаштириш бўйича №121589-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 18 июлдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Нарпай туман 2-сон касб хунар мактаби шиша ойналарини алмаштириш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан "E'ZOZA SAVDO CENTRE" МЧЖ ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Scanned by TapScanner

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама килиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч кандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул килинсин.

2. Мактаб бош бухгалтери Б.Махмудовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 18 июлдаги электрон баённомасига асосан ғолиб "E'ZOZA SAVDO CENTRE" МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хўжалик мудири С.Садинов махсулот сифат даражаси назорат қилинсин.

**Комиссия аъзолари**

Б.Ражабов

Р.Жиянов

Х.Садинов

С.Садинов

Б.Махмудов

Scanned by TapScanner